ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

# FarDU. ILMIY XABARLAR-

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2019

# НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

**А.Йўлдашев**
Темурбек Казбеков – Германияда ўқиган андижонлик талаба ....91

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

**Ф.Орипжонова**
А.Ахматованинг ижодини ўрганишда метафорик ёндошув ....95
**З.Қобилова, Э. Қобилова**
Татаббуда шакл ва мазмун ....98
**З.Ж.Пардаева**
Чингиз Айтматовнинг “Асрга татигулик кун” романи метафорикасида бадиий тафаккур фалсафаси талқини ....101
**В.Аҳмедова**
Тарихий драмада Амир Темур образи ....105
**А.К.Абдурахмонов**
Адабиётда турна тимсолининг тасвирига доир....109
**Г.Муҳаммаджонова**
Ўзбек ва жаҳон адабиётида мусаввир образи ....112
**О.Солиева**
Нишотий мухаммасларининг матний-қиёсий таҳлили (I қисм) ....117

## ТИЛШУНОСЛИК

**Н.Муродова**
Инглиз, рус ва ўзбек тилларида энантиосемияни ўрганишнинг тарихий асослари ....122
**Н.Чиниқулов**
Оммавий коммуникацияда ахборот матнлари ....127
**М.Мамажонов**
Антропонимлар дискурс релеванти сифатида....130
**Н.Т.Махмудова**
Айрим телекоммуникация терминларида ўз ва ўзлашган қатлам муносабати....133

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

**Р.Х.Максудов**
Элнинг ардоқли шоири ....137
**А.Сабирдинов, Н.Мамадалиев**
Асқар Қосимов шеърий маҳоратининг баъзи жиҳатлари тўғрисида ....139
**А.Турдиев**
Замонавий ўзбек адабиётида фольклоризм ....141
**Б.Қурбонова, З.Каримова**
Ўзбек ва қирғиз фразеологизмларининг семантик таҳлили....145
**С.Усмонова**
Ўзбек ва инглиз маърифатпарварлик ҳаракатининг ижтимоий-фалсафий асослари ....148
**Ж.М.Отажанов**
Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмаларни ривожлантиришнинг шартлари. ....152
**О.Хасанова**
Янги сўзларни ўқувчиларга ўргатишда мнемотехникадан фойдаланиш усуллари ....156
**Д.Қамбарова**
Мавзуни тақдим қилиш, талабаларга билим бериш ва назорат усуллари ....160

## ҚОНУН ВА ИЖРО

**А.Ўринов**
**“Фанлар подшоҳи” –** Республика Президенти нигоҳида ....163

УДК: 41

# ЎЗБЕК ВА ҚИРҒИЗ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРИНИНГ СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ

# СЕМАНТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ УЗБЕКСКИХ И КИРГИЗСКИХ ФРАЗЕОЛОГИЗМОВ

# SEMANTICAL ANALYZE UZBEK AND KYRGYZ PHRASEOLOGISMS

**Б.Қурбонова, З.Каримова**

***Аннотация***

*Мақолада ўзбек ва қирғиз тилларидаги фразеологизмлар семаларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ёритилган.*

***Аннотация***

*В статье освещены схожие и отличительные черты сем фразеологизмов в узбекском и киргизском языках.*

***Annotation***

*The given article describes similar and distinctive features of phraseologisms in Uzbek and Kyrgyz languages.*

***Таянч сўз ва иборалар:*** *сема, лексема, фразема, семантик тузилиш, фразеологизм*

***Ключевые слова и выражения:*** *сема, лексема, фразема, семантическое строение, фразеологизм.*

***Keywords and expressions:****sema, lexeme,phraseme, semantical structure, phraseologism.*

Фразеологизм йирик тил бирлиги бўлиб, камида иккита мустақил сўздан таркиб топади. Фразема ҳам таркибли тил бирлиги, лекин унинг маъноси таркибидаги лексемаларга хос маънолар ўз маъносида бўлмайди. Масалан, тил тегизмоқ фраземаси “шаънига номуносиб, ноҳақ гап айтмоқ” маъносини англатади. Бу маъно тўғридан тўғри фразема таркибидаги лексемаларнинг маъносидан келиб чиқмайди. Масалан, *тоғ асалига тил тегизсанг, тилинг ёрилади* гапида ўз маъносида эркин бирикма сифатида қўлланган.

Фразеологизмнинг луғавий бирлик сифатида ниманидир билдиришига (бирор воқеликни аташга, ифодалашига) унинг маъноси дейилади. Бундай номланиш сўзда лексик маъно деб аталса, фразеологияда фразеологик маъно деб юритилади. Масалан, ***териси суягига ёпишган*** фраземаси белгини (жуда озғин), *тепа сочи тикка бўлмоқ* фраземаси ҳолатни (аччиқланмоқ), *текканга тегиб, тегмаганга кесак отмоқ* (тегажаклик қилиб, ҳеч кимга тинчлик бермаслик) фраземаси эса ҳаракатни англатади. [1.420]

Қирғиз тилида ҳам фразеология кенг қўлланилиб, ўзбек тилидаги каби ўрганиб келинади. Бироқ ҳозирги кунда қирғиз тилида фразеологизм таркибига мақоллор ва маталлар ҳам киритилади. Фразеологик бирликлар тўғрисида 6-синфга мўлжалланган **Қирғиз тили** дарслигида шундай маълумотлар берилади:

Фразеология – гректин phrasis (туюнтума, речь түрмөгү), logos (илим,окуу) деген сөздөрүнөн алынган. Мааниси жактан биримдикти түзгөн бир нече сөздөрдүн туруктуу айкашуулары *фразеология* деп аталат. Фразеологиялык туруктуу айкашуларга макалдарда кирет.

Масалан, *береке – байлык эмгекте; ойноп сүйлөсөң - да, ойлоп сүйлө; азаптан корккон бакытты көрбөйт; сөздүн көркү - макал, эрдин көркү – сакал, чегирткеден корккон эгин экпейт* [2].

Бундан кўринадики, қирғиз тилида мақоллар ва фраземалар фразеология бўлимида ўрганилади. Қирғиз тилидаги фраземалар ҳам семантик жиҳатдан ўзбек тилидаги каби таснифланади. Масалан, *Төөнү бучкакка чапкандай (катуу, бат-бат сүйлөө)* фраземаси ўзбек тилида жағи жағига тегмайди, жағи очиқ фраземаларига тенг келиб, ўзига хос семаларга эга (сергап, вайсақи, маҳмадона, жаврақи, ўринсиз сўзловчи). Ёки *көз чаптыруу* фраземасининг синоними *көз жүгүртуу* ҳисобланиб, (бирор нарсага кўз югуртирмоқ, суқланиб қарамоқ) ўзбек тилида кўз югуртирмоқ фраземасига тўғри келади. Шунингдек, 7- синф **Қирғиз тили** дарслигида фразеология бобида шундай эслатма бериб ўтилади:

Фразеологик туруктуу айкашуларды башка тилге сөзмө-сөз которууга, ордун алмаштырууга мүмкүн эмес.

Юқоридаги фикрдан шу нарса маълум бўладики, қирғиз тилида фраземалар ҳам бошқа тилга сўзма-сўз таржима қилинмайди. Агар улар сўзма-сўз таржима қилинса, маънога путур етади. Шу билан бирга, қирғиз

**Б.Қурбонова –** ФарДУ, филология фанлари номзоди, доцент.
**З.Каримова –** ФарДУ филология факультети талабаси.

тилида *чычканга кебек алдирбоо* фразеологизми ўзбек тилидаги бирорта иборага умуман мос келмайди. Бу фразема *ҳушёр бўлмоқ* маъносини ифодалаб, асосан келинларга нисбатан қўлланилиб, унинг ўз ишига пухта, эпчил эканлигига ишора қилинади. Масалан, *Бир сөз менен жалпылап айтканда Гулзат чычканга кебек алдирбейт өз ишине билиб путурейт.*(К. Сөлпиев).

Ўзбек ва қирғиз тилларида кенг қўлланадиган фразеологик бирликларни ўзаро солиштирганимизда, улардаги бир нечта ўхшаш томонларни кўрамиз. Масалан, *капалаги учди* фраземаси қирғиз тилида *беш өрдөгүн учуруу* тарзида учрайди. Ана шундай мазмунан мувофиқ кела оладиган икки тил фраземаларини қуйидаги жадвал асосида кўрсатиш мумкин:

| Ўзбек тилидаги фраземалар | Қирғиз тилидаги фраземалар [3.48] |
|---|---|
| кўз очиб юмгунча | көз ачып жумганча |
| оти ўчмоқ | аты өчуу |
| кўз югуртирмоқ | көз жугуртуу |
| отнинг қашқасидай | аттын кашкасындай |
| отам замонидаги | атам заманда |
| туз тотмоқ | туз татуу |
| тиши ўтмаслик | тиши отпөө |
| қўлтиғига сув пуркамоқ | колтукка суу буркуу |
| хамирдан қил суғургандай | камырдан кыл суургандай |
| сув қуйгандай | кулак-мурун кескендей |
| ер билан яксон қилмоқ | жер менен жексен кылуу |
| қўй оғзидан чўп олмаган | кой оозунан чөп албаган |
| бошида ёнғоқ чақмоқ | башыда жанғак чакүү |
| ўз ёғига қовурилмоқ | оз мойугө озы куймак |
| қатиғи уюмаган | айрәны әчымәгән |
| аравани бўш олиб қочмоқ | оровоң бош алып качүү |
| ер тагида илон қимирласа билмоқ | жәр остыде жылан кывырдесе билмәк |
| дийдаси қаттиқ | бовры каты |
| кўзининг пахтаси чиқмоқ | көзүниң аки шығип |
| тухум босиб ётмоқ | мәйәк басып жатүү |
| пайтавасига қурт тушмоқ | пәйтәвәсы сүү олды |
| гадой топмас кўча | гәдәй таппас көчә |
| дили сиёҳ бўлмоқ | көңлү жаман болды |
| эшакнинг юки енгил бўлса, ётағон бўлади | эшшәкның жуку жәилң болсо тапан болот |
| думини хода қилиб қочмоқ | дүмың жупләп качүү |
| бургага аччиқ қилиб, кўрпани куйдирмоқ | бургеге ачык кылып төшексиз калүү |
| кўзи тўрт бўлмоқ | көзуу окарүү |

| | |
|---|---|
| бузоқнинг ҳақи бор, деб сут ичмайди | бузейди какы бар деп сут ичбейт |
| оғзининг суви келмоқ | оозунан сүү качу |
| томдан тараша тушгандай | үчәкдән түшкендәй |
| иши битгунча, эшаги лойдан ўтгунча | иши бутунчә, түәси копиртен өтунчә |
| тирноқ остидан кир қидирмоқ | динак тийинан кыр кыдырүү |
| оёғини қўлга олмоқ | бүтүнү колго олүү |
| шер юрак | көк жал |
| бурнини кўтармоқ, кўкка кўтармоқ | көөдөнүн көккө көтөрүү |
| капалаги учди | беш өрдөгүн учуруу |
| кўзи етмоқ | көзү жетүү |
| ғишт қолипдан кўчмоқ | кирвич жайынан көчты |
| ёндан чиққан, ён қозиқ | жувылмаған кашыкдәй |
| зуваласи пишик | чычканга кебек алдырбоо |
| кўздан қочирмоқ | көздын качырүү |

Кўринадики, ўзбек ва қирғиз тилларида айнан бир хил маъно ифодаловчи фраземалар талайгина. Буни туркий тиллар тарихий тараққиётининг умумийлиги билан изоҳлаш мумкин. Қолаверса, ҳар икки халқнинг маданий ва ижтимоий алоқалари ҳам асосий омиллардан бири саналади.

**Адабиётлар:**

1. Рахматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Дарслик. –Т.: Ўқитувчи, 2006.
2. Усаналиев С., Дустов Н., Кабулов А., Хамидов А. “Қирғиз тили”, Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синфи учун дарслик. – Т., 2017.
3. Усөналиев С., Дустов Н., Кабулов А., Хамидов А. Кыргыз тили. Дарслик. –Т., 2005.

*(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор).*